

**ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОКИМЁ ИЛМИЙ–ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Qx/V.43.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОКИМЁ ИЛМИЙ –ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

УСМОНОВ ТУРҒУН ТИЛАКОВИЧ

**СИЗОТ СУВЛАРИ ТУРЛИ ЧУҚУРЛИКДА ЖОЙЛАШГАН
ТУПРОҚЛАРДА КУЗГИ БУҒДОЙ УЧУН ЎҒИТ ҚЎЛЛАШ ТИЗИМИНИ
ИШЛАБ ЧИҚИШ**

06.01.04 – Агрокимё

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент–2019

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
сельскохозяйственным наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
agricultural sciences**

Усмонов Турғун Тилакович

Сизот сувлари турли чуқурликда жойлашган тупроқларда кузги буғдой
учун ўғит қўллаш тизимини ишлаб чиқиш..... 3

Усманов Турғун Тилакович

Разработка системы применения удобрений под озимую пшеницу на
почвах с различной глубиной залегания грунтовых вод 21

Usmonov Turgun Tilakovich

Development of a system for the application of fertilizers for winter wheat on
soils with different depth of groundwater 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 43

**ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОКИМЁ ИLMИЙ–ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИLMИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Qx/V.43.01 РАҚАМЛИ ИLMИЙ КЕНГАШ**

**ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОКИМЁ ИLMИЙ–ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

УСМОНОВ ТУРҒУН ТИЛАКОВИЧ

**СИЗОТ СУВЛАРИ ТУРЛИ ЧУҚУРЛИКДА ЖОЙЛАШГАН
ТУПРОҚЛАРДА КУЗГИ БУҒДОЙ УЧУН ЎҒИТ ҚЎЛЛАШ ТИЗИМИНИ
ИШЛАБ ЧИҚИШ**

06.01.04 – Агрокимё

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/Qx160 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Тупроқшунослик ва агрокимё илмий тадқиқот институтида бажарилган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Тупроқшунослик илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (<http://www.soil.uz>) ва «Ziynet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Сатторов Джурақул Сатторович
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, академик

Расмий оппонентлар:

Санақулов Акмал Лапасович
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, доцент
Самарқанд давлат университети

Мирзаев Лутфулло Арибжонович
қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди,
катта илмий ходим
Қишлоқ хўжалиги вазирлиги

Етакчи ташкилот:

Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти Қашқадарё филиали

Диссертация ҳимояси Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Qx/B.43.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100179, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қамарнисо кўчаси, 3 уй. Тел.:(+998)71 246-09-50; факс: (998)71 246-76-00; e-mail: info@soil.uz)

Диссертация билан Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ -рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100179, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қамарнисо кўчаси, 3 уй. Тел.:(+998)71246-15-38

Диссертация автореферати 2019 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2019 йил «___» _____ № _____ -рақамли баённомаси)

Р.Қ.Қўзиёв

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси
б.ф.д., профессор

Н.Ю.Абдурахмонов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, б.ф.д., катта илмий ходим

М.М.Тошқўзиёв

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д.,
профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD)диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунё қишлоқ хўжалигида буғдой асосий экинлар қаторидан жой олган бўлиб, ҳозирда уни етиштиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Жаҳон савдо ташкилотининг маълумотларига кўра «дунё мамлакатларида истеъмол учун ишлатиладиган буғдой дониға бўлган талаб йилиға 1,6–1,8 фоизға ошиб бормоқда. Ғалла етиштириш бўйича бугунги кунда етакчи бўлган АҚШ, Россия, Хитой, Ҳиндистон, Канада, Франция каби мамлакатларда минерал ўғитлардан самарали фойдаланиш ҳисобига буғдойдан юқори ва сифатли ҳосил олинмоқда»¹. Кузги буғдой экинидан юқори ҳосил олиш ҳамда тупроқ таркибини минерал озика моддалари билан бойитиб бориш учун минерал ўғитларни мақбул қўллаш меъёр ва муддатларини ишлаб чиқиш долзарб аҳамият касб этади.

Дунё ғаллачилиги тажрибасида буғдойдан юқори ва сифатли ҳосил етиштиришда, минерал ўғитлардан самарали фойдаланиш, мақбул меъёр ва муддатларини аниқлаш борасида мақсадли илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ўғитларни ўсимлик талабига мослаштириш, тупроқ ва ўсимлик орасидаги намлик ва озика муносабатини сақлаш, ўғит қўллашда сизот суви чуқурлигини ҳисобга олиш, турли меъёр ва муддатларда табақалаб қўллаш, самарадорлигини ошириш бўйича изланишлар натижалари асосида замонавий инновацион технологиялар қишлоқ хўжалигида кенг жорий этишга доир илмий-тадқиқотларға алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамызда тупроқлар унумдорлигини сақлаш ва ошириш, минерал ўғитлардан самарали фойдаланиш орқали қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ва сифатли ҳосил етиштириш, озик–овқат хавфсизлигини таъминлашға қаратилган технологияларни жорий этиш борасида кенг қамровли илмий-тадқиқотлар амалға оширилмоқда. Натижада минерал ўғитларни кузги буғдойда самарали қўллаш ҳамда етиштириладиган ҳосил салмоғи ва сифатини ошириш бўйича муайян натижаларға эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 2017–2021 йилларға мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида «...қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усулларни, энг аввало сув ва ресурсларни тежайдиган замонавий агротехнологияларни жорий этиш, агрокимё хизматлари кўрсатиш инфратузилмасини янада кенгайтириш»² каби муҳим стратегик вазифалар белгиланган. Бу борада суғориладиган тупроқларда сизот сувлари ва ўғитларнинг тупроқ хоссалари ва кузги буғдой навига таъсирини ҳамда ўғитларнинг турли меъёрларини самарадорлигини аниқлаш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 24 октябрдаги ПҚ–2640 – сон «Ўсимликларни химоя қилиш ва қишлоқ хўжалигига агрокимёвий

¹ <http://www.fao/worldfoodsituation/csdb/ru>.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947–сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони

хизматларни кўрсатиш тизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 26 декабрдаги 03-12-7–сон «2017–2020 йилларда қишлоқ хўжалигини минерал ўғитлар, ўсимликларни кимёвий ва биологик ҳимоя қилиш воситалари билан таъминлаш тизимини янада ривожлантириш, агрокимёвий хизматлар сифатини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури» ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда берилган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқотлари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Суғориладиган ерларда минерал ўғитлар таъсирида буғдойдан юқори ва сифатли ҳосил олиш бўйича кенг қамровли илмий-тадқиқот ишлари бажарилган. Бундай илмий–тадқиқотлар хорижлик ва республикамиз олимларидан J.K.Neuberg, N.Fertilizer, O.H.Long, C.D.Sherbakoff, G.W.Hergert, R.A.Richards, M.P.Reynolds, P.R.Hobbs, S.E.Hendawy, L.Zeleng, E.Salah, P.Сиддиқов, А.Омонов, А.Авлияқулов, Р.Тиллаев, Б.Холиқов, Н.Халилов, А.Қиличев, З.Зиядуллаев, И.Эгамов, Ғ.Қурбонов, Н.Абрамов, Ж.Худойқулов, Н.Турдиева, Ю.Джуманиязова, Ш.Ҳақимов, Л.Мирзаев, Д.Убайдуллаева, Н.Ирназарова, Б.Атоев ва бошқалар томонидан олиб борилган. Лекин сизот сувлари ва минерал ўғитларни тупроқ ва кузги буғдойнинг ҳосили ва сифатига таъсирини аниқлаш, ўғитлар самарадорлигини ошириш, тупроқ–иқлим шароитларини ҳисобга олиб, кузги буғдойнинг ҳар бир нави учун мақбул ўғит меъёрлари ва уни табақалаб қўллаш муддатларини ишлаб чиқиш бўйича илмий-тадқиқотлар етарлича амалга оширилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ҚХИ–5–013–2015 «Чўл зонасининг суғориладиган тупроқлари учун такомиллашган ўғит тизимини кузги буғдойда синаб кўриш ва тадбиқ қилиш» (2015–2016 йй.) мавзусидаги инновацион лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади сизот сувлари турли чуқурликда бўлган суғориладиган чўл ўтлоқи ва ўтлоқи тупроқларнинг механик, сув-физик, агрокимёвий хоссаларига, кузги буғдойнинг ўсиши, ривожланиши, ҳосил структураси ва доннинг сифат белгиларига минерал ўғит меъёри ва муддатларини таъсирини аниқлаш, кузги буғдойнинг юқори ва сифатли ҳосил шакллантиришига асос бўладиган мақбул ўғит қўллаш тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

тадқиқотларда сизот суви яқин ва чуқур жойлашган майдондаги суғориладиган тупроқларнинг агрокимёвий, сув-физик хоссалари, механик таркибини аниқлаш;

қўлланилган ўғитлар меъёрининг тупроқ агрокимёвий хоссалари ва кузги буғдой кимёвий таркибига таъсирини аниқлаш;

минерал ўғитларнинг кузги буғдойни ўсиши, ривожланиши, озика моддалар тўплашига таъсирини ўрганиш;

сизот суви ва ўғит меъёрларининг таъсирида тупроқ агрокимёвий хоссалари, кузги буғдойнинг кимёвий таркиби билан ҳосилдорлигига таъсирини ишончилигини математик таҳлиллар орқали аниқлаш;

кузги буғдой дони, уни ва нонининг сифат кўрсаткичларига ўғит меъёрларининг таъсирини ўрганиш;

кузги буғдойнинг сизот суви таъсирида ўғитга талабчанлигини аниқлаш;

сизот сувлари сатҳи турлича бўлган суғориладиган тупроқлар шароитида кузги буғдой учун мақбул ўғит қўллаш тизимини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Бухоро вилояти Жондор туманида тарқалган суғориладиган чўл ўтлоқи, ўтлоқи тупроқлар, минерал ўғитлар, кузги буғдойнинг «Краснодарская-99» нави танланган.

Тадқиқотнинг предмети сизот сувлари сатҳи 1,0–1,5 метр ва 2,5–3,0 метр чуқурликда жойлашган тупроқларнинг механик таркиби, сув-физик, агрокимёвий хоссалари, минерал ўғитларни қўллаш муддатлари ва меъёрларининг, кузги буғдойни «Краснодарская-99» навининг ўсиши, ривожланиши, дон ҳосили, дон ва ноннинг сифат белгилари, тупроқ ва ўсимликдаги озика элементлар миқдори ва ўғитлар самарадорлигига таъсирини аниқлаш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Дала тажрибалари, тупроқ ва ўсимлик намуналарини олиш, агрокимёвий таҳлиллар, фенологик кузатувлар умумий қабул қилинган услубий қўлланмалар асосида «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари», тупроқ ва ўсимлик намуналарининг кимёвий таҳлиллари «Методы агрохимических анализов почв и растений Средней Азии», «Методика полевого опыта», «Руководство по химическому анализу почв», кузги буғдой донининг технологик сифат белгиларини аниқлаш «Дон маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологиясида қўлланиладиган усуллар» ва ТУ Ўз-8-115-97 ва ГОСТ 13586-1-68 асосида аниқланган. Дон ҳосили бўйича олинган маълумотлар «Microsoft Excel» дастурида Б.А.Доспеховнинг математик таҳлил услубида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қўйидагилардан иборат:

суғориладиган чўл ўтлоқи ва ўтлоқи тупроқларнинг агрокимёвий хоссалари, кузги буғдой донининг кимёвий таркибига ўғит меъёрларининг таъсири аниқланган;

кузги буғдойнинг «Краснодарская-99» навини потенциал имкониятлардан тўлиқ фойдаланишда ўғитларга талабчанлиги аниқланган;

Ўғитларни табақалаб қўллаш натижасида кузги буғдойнинг ўсиши ва ривожланиши яхшиланганлиги ҳамда озик моддаларни кўп тўпланганлиги аниқланган;

кузги буғдой дони, уни ва нонининг сифат кўрсаткичларига ўғит меъёрлари ва муддатларнинг таъсири аниқланган;

минерал ўғитларни мақбул меъёр ва муддатларда қўллаш натижасида дон ҳосилдорлиги ошиб, ўғитлар самарадорлиги ортганлиги исботланган;

сизот суви чуқурлигини ҳисобга олиб, суғориладиган чўл ўтлоқи ва ўтлоқи тупроқлар шароитида кузги буғдойнинг «Краснодарская-99» нави учун мақбул минерал ўғит қўллаш тизими ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

суғориладиган чўл ўтлоқи (сизот суви 1,0–1,5 метр чуқурликдаги) тупроқлар шароитида $N_{250}P_{150}K_{100}$ кг/га меъёрларда кузги буғдойнинг «Краснодарская-99» навидан 59,11 ц/га дон ҳосили олинган бўлса, суғориладиган ўтлоқи (сизот суви 2,5–3,0 метр чуқурликда жойлашган) тупроқлар шароитида $N_{250}P_{150}K_{50}$ кг/га меъёрларда кузги буғдойнинг «Краснодарская-99» навидан 66,56 ц/га дон ҳосили олинган;

кузги буғдойнинг «Краснодарская-99» нави суғориладиган чўл ўтлоқи (сизот суви 1,0–1,5 метр чуқурликдаги) тупроқлар шароитида мақбул ўғит меъёрлари $N_{250}P_{150}K_{100}$ кг/га қўлланилганда ва суғориладиган ўтлоқи (сизот суви 2,5–3,0 метр чуқурликда жойлашган) тупроқлар шароитида мақбул ўғит меъёрларда $N_{250}P_{150}K_{50}$ кг/га доннинг ташқи (доннинг шакли, ранги, ялтироқли (шаффофлиги)) белгилари ва ундан ёпилган ноннинг сифат (органолептик, физик–кимёвий) кўрсаткичлари яхшиланган;

сизот суви чуқурлигини ҳисобга олиб аниқланган мақбул ўғит меъёрлари таъсирида кузги буғдойнинг ўсиши, ривожланиши, озик моддалар тўплаши, дон ҳосили ва дон сифати яхшиланган, кузги буғдойнинг «Краснодарская-99» нави ўғитлардан самарали фойдалана олган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Дала ва лаборатория шароитларида олиб борилган тадқиқот натижалари математик усулларда таҳлил қилинганлиги ҳамда олинган натижаларнинг амалиётда қўлланилаётганлиги, тадқиқот натижаларининг Республика ва ҳалқаро миқёсдаги илмий конференцияларда муҳокама этилганлиги, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан эътироф этилган нуфузли хорижий ва республика илмий журналлари даврий нашрларида чоп этилганлиги, натижаларнинг амалиётга жорий қилинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти суғориладиган чўл ўтлоқи ва ўтлоқи тупроқларнинг озик режими, кузги буғдойнинг «Краснодарская-99» навининг озикланиш хусусиятлари, ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги ва дон сифатига минерал ўғитларни мақбул меъёр ва муддатларда қўллашнинг асосланган тизими ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти суғориладиган чўл ўтлоқи ва суғориладиган ўтлоқи тупроқларда етиштирилган кузги буғдойнинг «Краснодарская-99» навини озиклантириш меъёри ва муддатлари, ўғитнинг иқтисодий самарадорлиги аниқланганлиги, ишлаб чиқилган мақбул ўғит қўллаш тизимини фермер хўжаликларга тавсия қилинганлиги билан ифодаланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Сизот сувлари турли чуқурликда жойлашган тупроқларда кузги буғдой учун ўғит қўллаш тизимини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

суғориладиган чўл ўтлоқи тупроқлар учун $N_{250}P_{150}K_{100}$ кг/га ва ўтлоқи тупроқлар учун $N_{250}P_{150}K_{50}$ кг/га мақбул ўғит қўллаш меъёрлари Бухоро вилояти Жондор тумани Мустақиллик, Сомончуқ, Алели, Охших ҚФЙлари ҳудудидаги фермер хўжаликларининг суғориладиган чўл ўтлоқи тупроқларида 358,4 гектарга, суғориладиган ўтлоқи тупроқларида 120,7 гектарга жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 10 июлдаги 02/025-1073–сон маълумотномаси). Натижада кузги буғдойнинг «Краснодарская-99» навидан суғориладиган чўл ўтлоқи тупроқларда ўртача 7,6 ц/га, суғориладиган ўтлоқи тупроқларда ўртача 9,0 ц/га қўшимча дон ҳосили олишга эришилган;

кузги буғдой ҳосили ва дон сифатини оширишга қаратилган мақбул ўғит қўллаш миқдорлари ва муддатлари (азотли ўғит йиллик меъёрининг 20 фоизи экиш даврида, 30 фоизи тупланиш даврида ва 40 фоизи найчалаш даврида ва 10 фоизи сут–мум пишиш даврида, фосфорли ва калийли ўғитларни йиллик меъёрининг 60 фоизи экиш даврида, 40 фоизи тупланиш даврида қўллаш) тавсия этилган ва суғориладиган чўл ўтлоқи тупроқларда 358,4 гектарга, суғориладиган ўтлоқи тупроқларда 120,7 гектарга жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 10 июлдаги 02/025-1073–сон маълумотномаси). Натижада фермер хўжаликлари тупроқларининг агрокимёвий хусусиятлари ҳамда кузги буғдойнинг ўсиб–ривожланиши яхшиланишига, қўлланилган ўғитларнинг самарадорлиги ошиб, суғориладиган чўл ўтлоқи тупроқларда гектарига 1484 минг сўм (рентабеллик 44,8 %) ва ўтлоқи тупроқларда 2014 минг сўм (рентабеллик 66,9 %) соф фойда олишга эришилган;

кузги буғдой дони таркибидаги оксил миқдорини оширишга қаратилган мақбул ўғит қўллаш ($N_{250}P_{150}K_{100}$ кг/га) меъёрлари ишлаб чиқилган ҳамда Бухоро вилояти Жондор тумани Охших ҚФЙ ҳудудидаги фермер хўжаликларининг суғориладиган чўл ўтлоқи тупроқларида 63,0 гектарга, ўтлоқи тупроқларда 30,5 гектарга жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 10 июлдаги 02/025-1073–сон маълумотномаси). Натижада кузги буғдойнинг «Краснодарская-99» навида дон сифат кўрсаткичлари яхшиланган, дон таркибидаги оксил миқдори суғориладиган чўл ўтлоқи тупроқларда 0,9 фоизга ва ўтлоқи тупроқларда 0,8 фоизга ошишига эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот материаллари 5 та, жумладан 2 та халқаро ва 3 та республика илмий ва амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 9 та илмий мақола чоп этилган, шулардан Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 1 та хорижий журналда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, 5 та боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган. Тадқиқотнинг мақсади, вазифалари ҳамда объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Суғориладиган тупроқларда кузги буғдойни минерал озиқлантиришни такомиллаштириш бўйича илмий манбалар шарҳи**» деб номланган биринчи бобида чет эл, республика олимларининг илмий тадқиқотлари натижалари таҳлили келтирилган. Турли тупроқ-иқлим шароитларида етиштирилган кузги буғдойни ўғитлашга, сизот сувининг таъсири, минерал ўғитлар самарадорлигини нав билан боғлиқлигини кўрсатувчи турли дала тажрибаларининг натижалари баён этилган. Кузги буғдой навидан юқори ва сифатли ҳосил етиштиришда сизот суви чуқурлигини ҳисобга олиш ўғит таъсирини ўрганиш, ўғит меъёрларини ўсимлик талабига мослаштириш, ўғитни иқтисод қилиб, самарадорлигини оширадиган мақбул меъёр ва муддатларини ишлаб чиқиш дала тажрибалар шароитида ўрганилмаганлиги ва бу ишларни ўтказиш долзарб масала эканлиги таъкидланган.

Диссертациянинг «**Тадқиқотлар ўтказиш жойи, усуллари ва шароитлари**» деб номланган иккинчи бобида тупроқ-иқлим шароитларининг тавсифи, тадқиқотлар олиб бориш объекти, усуллари, суғориладиган чўл ўтлоқи ва ўтлоқи тупроқларнинг механик таркиби, сув-физик ва агрокимёвий хоссалари, тажрибаниннг ўғит қўллаш тизими тўғрисидаги маълумотлар келтирилган. Изланишлар олиб борилган жойнинг табиий географик ўрни, геоморфологик, литологик тузилиши, иқлими-тупроқ шароитлари ва сизот сувлари, тупроқ ҳосил бўлиши, Бухоро вилояти Жондор туманидаги суғориладиган чўл ўтлоқи тупроқлар («Чиннихони Замини» сизот суви 1,0–1,5 метр) ва суғориладиган ўтлоқи тупроқлар («Матлаббиви» фермер хўжалигида,

сизот суви 2,5–3,0 метр) шароитида дала тажрибалар қўйилганлиги, тадқиқотларда тупроқнинг умумий сув–физик ва агрохимёвий хоссаларини ўрганиш натижалари баён этилган.

Суғориладиган чўл ўтлоқи ва ўтлоқи тупроқлар Бухоро вилояти Жондор тумани худудида жойлашган Қизилқум чўлида тарқалган. Рельефи асосан текис, жанубий–шарқдан Қизилқум қумликлари томон келаётган нотекис паст–баланд, тўлқинсимон кўринишдаги текисликдан иборат.

Геоморфологик ва литологик нуқтаи назаридан Жондор тумани ер майдони Зарафшон дарёси дельтасининг ўрта қисми текислигидир.

Суғориладиган чўл ўтлоқи тупроқлари енгил қумоқли, механик таркибида йирик чанг заррачалари устунлик қилади. Тупроқларни ҳажм оғирлиги ҳайдов қатламида $1,38 \text{ г/см}^3$, пастки қатламларда $1,39\text{--}1,44 \text{ г/см}^3$ гача тебраниши аниқланди. Солиштирма оғирлигини энг катта кўрсаткичи ҳайдов қатламида $2,56 \text{ г/см}^3$ ва 130–154 см ли қатламида $2,42 \text{ г/см}^3$ гача камайган. Тупроқларни ғоваклиги тупроқ профили бўйича 40,0–46,0 % ни ташкил этган. Максимал гигроскопик намлик қатламлар бўйича 2,1 % дан 2,4 % гача ошган. Сўлиш намлиги юқори қатламда 3,1 % бўлиб, она жинс қатламда 4,4 % гача ошган. Дала нам сиғими юқори, ҳайдов қатламдан пастга қараб ошгани кузатилган. Сизот суви 1,0–1,5 метрда, хлорид–сульфат типидида тупроқ ва сизот суви кучсиз шўрланганлиги аниқланган. Гумус ва азот билан ўртача таъминланган. Умумий азот миқдори 0,048 % ни юқори қатламда ташкил этди ва 0,009 % гача камайганлиги она жинс қатламида аниқланган. Умумий фосфор миқдори юқори қатламда 0,183 % бўлиб, пастки қатламларда 0,081 % гача камайган. Умумий калий миқдори 0,4–1,1 % ни ташкил этиб, пастга қараб камайган. C:N нисбати тупроқ профилида 8,7 дан 6,3 гача тебранади. Ўрганилган тупроқлар ҳаракатчан шаклдаги фосфор, калий билан кам таъминланган. Тупроқларнинг юқори қатламида фосфор 14,0 мг/кг, калий 153,8 мг/кг ни ташкил этган.

Суғориладиган ўтлоқи тупроқлари енгил қумоқли, механик таркибида йирик чанг заррачалари устунлик қилади. Тупроқларни ҳажм оғирлиги қатламлар бўйича $1,37 \text{ г/см}^3$ дан $1,48 \text{ г/см}^3$ гача кузатилган. Солиштирма оғирлиги $2,49\text{--}2,60 \text{ г/см}^3$ атрофида, ғоваклиги 43,0–47,0 % ни ташкил этган. Тупроқларнинг максимал гигроскопиклиги 3,2 % дан пастки қатламларда 3,6–3,7 % гача ошган, сўлиш намлиги ҳайдов қатламида 3,5 % ни ташкил қилган ва ўрта (50–149 см) қатламларида 4,8–5,2 % гача ошган, пастки она жинс қатламида кескин камайганлиги аниқланган. Дала нам сиғими юқори қатламдан пастга қараб 13,2 % дан 17,3 % гача ошганлиги кузатилган. Сизот суви 2,5–3,0 метрда шўрланмаган. Гумус миқдори бироз юқори. Тупроқда гумус миқдори юқоридан пастга қараб камайиб борган. Умумий азот миқдори 0,066 % ни юқори қатламда ташкил этди ва 0,011 % гача камлиги она жинс қатламида аниқланган. Умумий фосфор миқдори юқори қатламда 0,180 % бўлиб, пастки қатламларда 0,087 % гача камайган. Умумий калий энг юқори миқдори 0,4–1,3 % ни ташкил этади. Азот билан ўртача, фосфор ва калий билан кам таъминланганлиги аниқланган. C:N нисбати тупроқ профилида 7,6 дан 7,4 гача

тебранади. Тупроқларни юқори қатламида фосфор 14,2 мг/кг, калий 181,4 мг/кг ни ташкил этган.

Гумус микдори И.В.Тюрин усули билан (ГОСТ–26213); ялпи азот Къельдал усули билан; фосфор ва калий бир намунада Мешеряков усули билан; ҳаракатчан (нитратли) азот Гранвальд-Ляжу усули билан; ҳаракатчан фосфор 1 % аммоний карбонат эритмасида Б.П.Мачигин усули билан; алмашинувчи калий алангали фотоколориметрда П.В.Протасов усули билан; тупроқнинг кимёвий, физикавий таҳлиллари, сувда эрувчи тузларни аниқлаш (СоюзНИХИ, 1963, 1977), ўсимлик таҳлиллари умумий N, P ва K битта намунасида (К.Гинзберг, Щеглова, Е.Вульфийус) усуллари билан; кузги буғдойда минерал ўғитларнинг иқтисодий самарадорлиги Н.А.Баранов усули билан (1980); дон сифати, дон сифатини аниқлаш доннинг ифлосланганлик даражаси, шаффофлиги ва натураси ГОСТ-9353-84, клейковина микдори ГОСТ 13586-1-68 ва ТУ-Ўз 8-115-97 услубларида аниқланган.

Дала тажрибалар 2015–2017 йиллари суғориладиган чўл ўтлоқи ва ўтлоқи тупроқларда қўйилган. Дала тажрибада ўрганилувчи вариантнинг кенглиги 12 метр, узунлиги 25 метр. Бир вариантнинг умумий майдони 300,0 м², 3 қайтариқ 900,0 м². Вариантнинг кенглиги 12,6 метр, узунлиги 26 метр. Бир вариантнинг умумий майдони 327,6 м², 3 қайтариқ 982,8 м². Дала тажрибанинг умумий майдон 4914,0 м² ташкил қилган.

Минерал ўғитлардан: карбамид (N–46 %), аммофос (N–11 %, P–46 %) ва калий хлор (K–60 %) қўлланилган.

Дала тажрибаси 5 вариант 3 қайтариқдан иборат бўлган. Ҳар иккала тупроқлар учун ишлаб чиқилган бир хил ўғит қўллаш схемаси (кг/га) ва бир хил кузги буғдой нави билан дала тажрибалари қўйилган (1-жадвал).

1- жадвал

Дала тажрибасида кузги буғдойга ўғит қўллаш тизими, кг/ га







№	Йиллик ўғит меъёрлари, кг/га			Экиш даври			Тупланиш даври			Найчалаш даври			Сут–мум пишиш даври		
				N	P	K	N	P	K	N	P	K	N	P	K
1	N ₀	P ₀	K ₀	–	–	–	–	–	–	–	–	–	–	–	–
2	N ₂₀₀	P ₁₀₀	K ₅₀	40	60	30	60	40	20	80	–	–	20	–	–
3	N ₂₅₀	P ₁₀₀	K ₅₀	50	60	30	75	40	20	100	–	–	25	–	–
4	N ₂₅₀	P ₁₅₀	K ₅₀	50	90	30	75	60	20	100	–	–	25	–	–
5	N ₂₅₀	P ₁₅₀	K ₁₀₀	50	90	60	75	60	40	100	–	–	25	–	–
	100 %	100 %	100 %	20 %	60 %	60 %	30 %	40 %	40 %	40 %	–	–	10 %	–	–

Диссертациянинг «Сизот сувлари ва ўғит таъсирида тупроқларнинг агрокимёвий хоссаларининг ўзгариши» деб номланган учинчи бобида, кузги буғдойнинг вегетация давомида суғориладиган чўл ўтлоқи ва ўтлоқи тупроқларда гумус, азот, фосфор ва калий миқдорлари ва тажриба шароитида парваришланган кузги буғдойда вегетация даврида органларнинг таркибидаги умумий азот, фосфор ва калий миқдорларини сизот суви ва ўғитлар таъсирида ўзгариши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Ўғит меъёрлари ва сизот сувини кўтарилиши тупроқларнинг агрокимёвий хоссаларига таъсир кўрсатган. Кузги буғдойнинг «Краснодарская-99» нави томонидан озика элементларининг (N, P, K) ўзлаштирилиши туфайли тупроқнинг агрокимёвий хоссалари янада ўзгарган. Тупроқдаги ҳаракатчан азот, фосфор ва калий озика элементлар миқдорлари кузги буғдойнинг вегетация даврининг униб-чиқиш, майсалаш, тупланиш фазаларида камайиши, найчалаш, бошоклаш фазаларида кўпайиши ва сут-мум, тўла пишиш фазаларида камайганлиги таҳлилларда аниқланган (1-расм).

Кузги буғдойнинг тўла пишиш даврида олинган маълумотларни ўртачаси таҳлил қилинганда, суғориладиган чўл ўтлоқи тупроқларнинг 0–30 см.ли ҳайдов қатламида: гумус миқдори 0,51–0,55 % гача, умумий азот 0,017–0,019 % гача, умумий фосфор 0,19–0,25 % гача, умумий калий 0,865–1,232 % гача, шунга мос ҳолда ҳаракатчан нитратли азот (N–NO₃) 5,6–27,1 мг/кг гача, ҳаракатчан фосфор 17,0–33,0 мг/кг гача, алмашинувчи калий 93,5–125,6 мг/кг гача кўтарилган. Тупроқларнинг 30–50 см.ли ҳайдов ости қатламида эса гумус миқдори 0,41–0,43 % гача, умумий азот 0,016–0,018 % гача, умумий фосфор 0,07–0,13 % гача, умумий калий 0,711–0,904 % гача, шунга мос ҳолда ҳаракатчан нитратли азот (N–NO₃) 9,2–13,6 мг/кг гача, ҳаракатчан фосфор 11,8–31,7 мг/кг гача, ҳаракатчан калий 76,0–125,6 мг/кг гача кўпайган бўлса, суғориладиган ўтлоқи тупроқларни 0–30 см.ли ҳайдов қатламида: гумус миқдори 0,49–0,53 % гача, умумий азот 0,016–0,018 % гача, умумий фосфор 0,15–0,21 % гача, умумий калий 0,745–1,081 % гача, шунга мос ҳолда ҳаракатчан нитратли азот (N–NO₃) 5,0–24,2 мг/кг гача, ҳаракатчан фосфор 11,8–31,7 мг/кг гача, алмашинувчи калий 90,3–119,0 мг/кг гача кўпайиб борган. Тупроқнинг 30–50 см.ли ҳайдов остиқатламида эса гумус миқдори 0,40–0,42 % гача, умумий азот 0,014–0,017 % гача, умумий фосфор 0,04–0,11 % гача, умумий калий 0,657–0,829 % гача, шунга мос ҳолда ҳаракатчан нитратли азот (N–NO₃) 8,4–13,0 мг/кг гача, ҳаракатчан фосфор 16,4–20,6 мг/кг гача, алмашинувчи калий 70,1–95,6 мг/кг гача кўпайган.

Тадқиқотлар ўтказилган тупроқларда озика элементлар миқдори ўғит меъёрлари ва муддатларига боғлиқ ҳолда ўзгариб бориши маълум бўлган. Шунинг учун суғориладиган чўл ўтлоқи тупроқларда фосфор ва калий озика элементлари азотга нисбатан кўпроқ сақланган ва суғориладиган ўтлоқи тупроқларга нисбатан кўплигича қолган. Суғориладиган ўтлоқи тупроқларда буни акси бўлиб, тупроқда азот, фосфор ва калий миқдорлари ўсимлик ўзлаштирилиши ҳисобига камайганлиги аниқланган.



1–расм. Кузги буғдойнинг вегетация даврларида тупроқ (0–30 см) қатламидаги ҳаракатчан N, P, K миқдори, мг/кг

Тадқиқотлар олиб борилган суғориладиган чўл ўтлоқи тупроқларда ўтлоқи тупроқларга нисбатан ҳаракатчан озика элементлари азот, фосфор ва калий билан жуда кам таъминланганлиги маълум бўлган.

Сизот суви чуқурлигига боғлиқ ҳолда кузги буғдойни ўғитлаш, ўғитни тупроқ хосса-хусусиятларига таъсирини ўрганиш билан бирга тупроқдан ўсимлик ўзлаштира оладиган озика элементлар миқдорини аниқлашни аҳамияти катта. Энг аввало ўсимлик ўзлаштирган озика элементлар ҳар бир органда бир хил тақсимланмайди ва озика элементлар нисбати ҳам ўзгаради.







Тадқиқотлар ўтказилган тупроқларда етиштирилган кузги буғдой «Краснодарская-99» навининг вегетация даври давомида (тупланиш, найчалаш, бошоқлаш ва тўла пишиш фазаларида) поя-барг таркибидаги озика элементлар миқдори ҳар хил ўғит фонидида ўзгаришини ҳам кўриш мумкин (2-расм).

Кузги буғдойнинг тўла пишиш фазасидаги маълумотлар солиштирилганда, суғориладиган чўл ўтлоқи тупроқларда парваришланган кузги буғдойнинг поя-баргда азот 1,239–3,039 % гача, фосфор 0,396–0,918 % гача ва калий 2,307–2,985 % гача бўлган бўлса, суғориладиган ўтлоқи тупроқларда етиштирилган кузги буғдойнинг поя-баргда суғориладиган чўл ўтлоқи тупроқларда етиштирилган кузги буғдой поя-барг органларига нисбатан кўп бўлиб, азот 1,289–3,117 % гача, фосфор 0,402–0,935 % гача ва калий 2,474–2,997 % гача кўтарилган.

2-расмда суғориладиган чўл ўтлоқи тупроғи ўсган кузги буғдойнинг «Краснодарская-99» навини поя-баргида озика (N,P,K) элементлар миқдори назорат вариантыга нисбатан ўзгариб, яъни кўпайиб борган, лекин суғориладиган ўтлоқи тупроқ маълумотлари билан солиштирилганда поя-баргдаги озика элементлар миқдори барча вариантларда кам. Бундан ташқари ҳар иккала тупроқ шароитида ҳам назорат вариантыда тупланиш давридан тўла пишиш даврига қадар поя-баргда озика элементлар миқдори пасайиб борган.

Қолган барча вариантларда тупланиш давридан бошлаб, бошоқлаш даврига қадар кўтарилган, тўла пишиш даврида яна пасайганлиги аниқланган. Маълумотлар солиштирилиб кўрилганда, назорат вариантыга нисбатан, суғориладиган чўл ўтлоқи тупроқларда вегетациянинг бошланишида кузги буғдой таркибидаги озика элементлар миқдори камлигича қолган. Азотни яхшироқ ўзлаштирган, фосфор ва калийни кам ўзлаштирганлиги маълум бўлган. Вегетация охирида азотни фосфор ва калийга нисбатан кўпроқ ўзлаштирганлиги аниқланган ва $N_{250}P_{150}K_{100}$ кг/га ўғит меъёрларида ижобий натижа кўрсатган.

Суғориладиган ўтлоқи тупроқларда вегетациянинг бошидан охирига қадар кузги буғдой ўсимлиги таркибида озика элементлар миқдори камайиб борган. Азотни фосфор ва калийга нисбатан камроқ ўзлаштирган. Поя-барг, дон, қобиқлари кўпроқ фосфор ва калийни яхши ўзлаштирган, айниқса, $N_{250}P_{150}K_{50}$ кг/га ўғит меъёрлари қўлланилганда озика элементлар миқдори юқори бўлганлиги аниқланган.



2–расм. Кузги буғдойнинг вегетация даврларида поя–баргидаги озика элементлар микдори, %.

Диссертациянинг «Сизот сувлари ва ўғитлар таъсирида кузги буғдойнинг ўсиши, ривожланиши, ҳосил ва ҳосил сифатининг шаклланиши» деб номланган тўртинчи бобида, сизот сувлари ва ўғит таъсирида кузги буғдой уруғларини униб чиқиши, майсалаш, кузги буғдойнинг тулланиши, найчалаши, бошоқлаши, сут-мум пишиш, тўла пишиш фазаларини ўрганиш натижасида олинган маълумотлар келтирилган бўлиб, дон ҳосилининг математик–статистик дисперсион таҳлиллари «Microsoft Excel» дастурида Б.А.Доспехов услубида амалга оширилган.

Кузги буғдойнинг «Краснодарская-99» нави уруғи гектарига 5,3 млн. дон ҳисобида, октябр ойининг иккинчи ўн кунлигида экилган. Ноябрь ойи биринчи ўн кунлигида униб чиққан. Феврал ойи учинчи ўн кунлигига қадар тулланиган. Апрель ойи биринчи ўн кунлигида найчалаган. Май ойи биринчи ўн кунлигида бошоқлаб, июн ойида донининг сутлик, мумлик ва тўла пишиш фазалари давом этган. Ҳар ойнинг охирида кузги буғдойнинг «Краснодарская-99» нави ўсиш ва ривожланиш фазаларида фенологик кузатувлар олиб борилган. Вариантлар ўртасида фарқлар аниқланган. Кузги буғдойнинг ўсиш ва ривожланиш кўрсаткичлари назорат вариантда паст, ўғит фонларида юқори бўлган. Кузги буғдой илдири, поя–барг, қобиқ дон қисмлари ўғит фонларида бир хил шаклланимаган. Ўғитга боғлиқ ҳолда курук масса тўллаши, ҳосил ва ҳосил сифати ўзгарган.

Суғориладиган чўл ўтлоқи тупроқларда, кузги буғдойнинг ўсиши, ривожланиши, курук масса тўллаши, ҳосилига ўғит меъёрлари ва сизот сувларининг кўтарилганлиги, тупроқ, сувнинг кучсиз шўрланганлиги салбий таъсир кўрсатган. Фақат 5–вариант $N_{250}P_{150}K_{100}$ кг/га ўғит меъёрларида «Краснодарская-99» навидан энг юқори 57,08 ц/га дон ҳосил олинган.

Суғориладиган ўтлоқи тупроқларда, кузги буғдойнинг ўсиши, ривожланиши, курук масса тўллаши, ҳосилига сизот сувлари пастда жойлашганлиги, тупроқ, сувнинг шўрланмаганлиги ижобий таъсир кўрсатган. Фақат 4–вариант $N_{250}P_{150}K_{50}$ кг/га ўғит меъёрлари қўлланилганда «Краснодарская-99» нави 64,87 ц/га дон ҳосилини шакллантирган.

2017 йил маълумоти бўйича хулоса қилганда, назорат вариантыга нисбатан суғориладиган чўл ўтлоқи (сизот суви чуқурлиги 1,0–1,5 метр бўлган) тупроқлар шароитида «Краснодарская-99» нави гектарига 0,91 ц/га, 1,1 % ва суғориладиган ўтлоқи (сизот суви чуқурлиги 2,5–3,0 метр бўлган) тупроқлар шароитида эса кузги буғдойнинг «Краснодарская-99» нави ҳосилдорлик гектарига 0,98 ц/га, 2,0 фоизга фарқ қилган.

Суғориладиган чўл ўтлоқи тупроқлар шароитида $N_{250}P_{150}K_{100}$ кг/га меъёрларида кузги буғдой донида оқсил миқдори 15,0 %, клейковина миқдори 29,9 %, ноннинг сифати 5 аъло баҳоланган бўлса, суғориладиган ўтлоқи тупроқлар шароитида $N_{250}P_{150}K_{50}$ кг/га меъёрларида кузги буғдой донида оқсил миқдори 14,7 %, клейковина миқдори 29,0 %, ноннинг сифати 5 аъло баҳоланган сифати яхшиланиган.

Диссертациянинг «Суғориладиган ўтлоқи чўл ва суғориладиган ўтлоқи тупроқларда кузги буғдойга қўлланилган ўғитларнинг самарадорлиги» деб номланган бешинчи бобида дала тадқиқотлари ўтказилган икки хил шароитда етиштирилган кузги буғдойга қўлланилган ўғитларнинг самарадорлиги тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Суғориладиган чўл ўтлоқи тупроқлар шароитида $N_{250}P_{150}K_{100}$ кг/га ўғит меъёрлари кузги буғдойнинг «Краснодарская-99» навига қўлланилганда, ўғитлар энг юқори иқтисодий самара берган: дон ҳосили 59,11 ц/га, соф даромад 1247,1 минг/сўм ва рентабеллик 67,9 % ни ташкил қилган, суғориладиган ўтлоқи тупроқлар шароитида кузги буғдойнинг «Краснодарская-99» навидан юқори ҳосил олишда қўлланилган минерал ўғитларнинг иқтисодий самарадорлиги ўрганилганда, назорат ва бошқа ўғит фонларига нисбатан энг яхши самарадорлик $N_{250}P_{150}K_{50}$ кг/га ўғит меъёрларида аниқланган, дон ҳосили 66,56 ц/га, соф даромад 1639,1 минг/сўм ва рентабеллик 88,1 % ни ташкил қилган.

Диссертациянинг «Ишлаб чиқариш тажрибаларнинг натижалари» деб номланган қисмида тадқиқотлар ўтказилган дала тажрибаларининг илмий, амалий натижаларини ишлаб чиқариш тажрибаси шароитида ўтказилган.

2017–2018 йиллари, Бухоро вилояти Жондор туманидаги «Мустақиллик», «Охших», «Алели», «Саманчик» ҚФЙ худудларида кенг тарқалган суғориладиган чўл ўтлоқи ва суғориладиган ўтлоқи тупроқлар шароитида ишлаб чиқариш тажрибалари қўйилган.

Ишлаб чиқариш шароитида, 2017 йил кузги буғдойнинг «Краснодарская-99» нави суғориладиган чўл ўтлоқи тупроқлар шароитида $N_{200}P_{150}K_{100}$ кг/га ўғит меъёрлари асосида жами 358,4 гектарга экилган бўлиб, ўртача дон ҳосили 56,4 ц/га ни, (юқоридаги ўғит меъёрлари қўлланилмаган шароитдаги ҳосилга нисбатан) қўшимча дон ҳосили 7,6 ц/га юқори бўлган, жами харажатлар 3310 минг/сўм, жами даромад 4794 минг/сўм, жами фойда 1484 минг/сўм ва рентабеллик даражаси 44,8 % ни ташкил қилган. Суғориладиган ўтлоқи тупроқлар шароитида $N_{250}P_{150}K_{50}$ кг/га мақбул ўғит меъёрлари асосида жами 120,7 гектарга экилган бўлиб, ўртача дон ҳосили 65,0 ц/га ни, (юқоридаги ўғит меъёрлари қўлланилмаган шароитдаги ҳосилга нисбатан) қўшимча дон ҳосили 9,0 ц/га юқори бўлган, жами харажатлар 3010 минг/сўм, жами даромад 5024 минг/сўм, жами фойда 2014 минг/сўм ва рентабеллик даражаси 66,9 % ни ташкил қилган.

Доннинг сифат белгилари бўйича дон таркибидаги оксил миқдори суғориладиган чўл ўтлоқи тупроқларда $N_{250}P_{150}K_{100}$ кг/га мақбул ўғит меъёри қўлланилганда 0,9 % га ва суғориладиган ўтлоқи тупроқлар шароитида ҳам $N_{250}P_{150}K_{50}$ кг/га ўғит меъёри қўлланилганда 0,8 % га ошганлиги аниқланган.

ХУЛОСАЛАР

1. Суғориладиган чўл ўтлоқи тупроқларида сизот суви 1,0–1,5 метр чуқурликда жойлашган бўлиб, тупроқларнинг механик таркиби ўрта кумоқли. Сизот суви ва тупроғи хлорид–сулфат типиде кучсиз шўрланган. Тупроқларда

гумус миқдори (0,687–0,100 %) паст, умумий азот билан (0,048–0,009 %), умумий фосфор билан (0,183–0,081 %) ўртачадан паст ва умумий калий билан тупроқлар (1,1–0,4 %) паст даражада таъминланган.

Суғориладиган ўтлоқи тупроқларида, сизот суви 2,5–3,0 метр чуқурликда жойлашган бўлиб, тупроқларнинг механик таркиби енгил кумоклидир. Сизот суви ва тупроғи шўрланмаган. Тупроқларда гумус миқдори (0,862–0,143 %) бироз юқори, умумий азот (0,066–0,011 %), умумий фосфор билан (0,180–0,087 %) ўртача ва умумий калий билан (1,3–0,4 %) паст даражада таъминланган.

2. Кузги буғдой нави ва унга қўлланилган ўғит меъёри таъсирида тупроқнинг агрокимёвий хоссалари ўзгаради. Вегетациянинг бошланишида «Краснодарская-99» нави ўсган тупроқда ҳаракатчан азот, фосфор ва калий миқдорлари камроқ бўлиб, қўлланилган ўғит ҳисобига вегетация даврининг охирида бир оз кўпайган. Тупроқларда азот, фосфор ва калий миқдорлари суғориладиган чўл ўтлоқи тупроқларда нисбатан кўпроқ сақланган.

3. Суғориладиган чўл ўтлоқи тупроқларда вегетациянинг бошланишида кузги буғдой таркибидаги озика элементлар миқдори камайиб борганлиги кузатилган. Азотни кўпроқ ўзлаштирган, фосфор ва калийни кам ўзлаштирган. Вегетация даврининг охирида азотни фосфор ва калийга нисбатан кўпроқ ўзлаштирган. $N_{250}P_{150}K_{100}$ кг/га ўғит меъёрларида ижобий натижа кўрсатган. Суғориладиган ўтлоқи тупроқларда вегетациянинг бошидан охирига қадар кузги буғдой ўсимлиги таркибида озика элементлар миқдори камайган. Азотни фосфор ва калийга нисбатан камроқ ўзлаштирган. Поя–барг, дон, қобиқлари кўпроқ фосфор ва калийни яхши ўзлаштирган. Айниқса, $N_{250}P_{150}K_{50}$ кг/га ўғит меъёрлари қўлланилган.

4. Суғориладиган ўтлоқи тупроқлар шароитида етиштирилган кузги буғдой уруғини униб чиқиш миқдори, чўл ўтлоқи тупроққа нисбатан 1,1 % га юқори. Чўл ўтлоқи тупроқда 5–вариантдаги $N_{250}P_{150}K_{100}$ кг/га ўғит меъёрларида камроқ 92,6 % ва ўтлоқи тупроқлар шароитида 4–вариантдаги $N_{250}P_{150}K_{50}$ кг/га ўғит меъёрларида 93,7 % ни ташкил қилган.

5. Суғориладиган чўл ўтлоқи тупроқлар шароитида кузги буғдойнинг «Краснодарская-99» навининг фазаларда ўсиш ва ривожланиши сушт. Фақат 5–вариантдаги $N_{250}P_{150}K_{100}$ кг/га ўғит меъёрларида, суғориладиган ўтлоқи тупроқлар шароитида 4–вариант $N_{250}P_{150}K_{50}$ кг/га ўғит меъёрларида юқори кўрсаткичларга эга бўлган.

6. Суғориладиган чўл ўтлоқи тупроқларга нисбатан суғориладиган ўтлоқи тупроқларда кузги буғдойнинг «Краснодарская-99» навининг ҳосил структураси элементлари ўғит мақбул меъёр ва муддатларда қўлланилганда яхши шаклланган.

7. Суғориладиган чўл ўтлоқи тупроқларнинг агрокимёвий хоссалари, ўғит ва сизот сувлари, тупроқ ва сувнинг кучсиз шўрланганлиги таъсирида ҳосил турлича шаклланган. 5–вариант $N_{250}P_{150}K_{100}$ кг/га ўғит меъёрларида «Краснодарская-99» навидан 57,08 ц/га дон ҳосил олинган бўлса, суғориладиган ўтлоқи тупроқларда озика элементлар миқдори ўртача, сизот сувлари пастда, тупроқ шўрланмаган шароитда ўғитлар самара берган, 4–

вариант $N_{250}P_{150}K_{50}$ кг/га ўғит меъёрлари қўлланилганда «Краснодарская-99» нави 64,87 ц/га дон ҳосилини шакллантирган.

8. Суғориладиган чўл ўтлоқи тупроқлар шароитида етиштирилган кузги буғдойнинг «Краснодарская-99» нави, куруқ массани тўпланиши, тупроқ–иклим шароити, сизот сувининг кўтарилиши ва қўлланилган ўғитларнинг самарадорлигига боғлиқ бўлган. Суғориладиган чўл ўтлоқи тупроқларда $N_{250}P_{150}K_{100}$ кг/га ўғит меъёрларида, суғориладиган ўтлоқи тупроқларда $N_{250}P_{150}K_{50}$ кг/га ўғит меъёрларида кузги буғдойнинг «Краснодарская-99» нави юқори миқдорда куруқ масса тўплаган.

9. Ўғитлар меъёри, дон кимёвий таркиби, ун, нон сифати таъсир кўрсатган. Суғориладиган чўл ўтлоқи тупроқлар шароитида $N_{250}P_{150}K_{100}$ кг/га меъёрларида етиштирилган донда оксил миқдори 15,1 %, клейковина миқдори 29,9 %, ноннинг сифати 5 аъло баҳоланган бўлса, суғориладиган ўтлоқи тупроқлар шароитида $N_{250}P_{150}K_{50}$ кг/га меъёрларида етиштирилган донда оксил миқдори 14,0 %, клейковина миқдори 29,0 %, ноннинг сифати 5 аъло баҳоланган сифати яхшилланган.

10. Суғориладиган чўл ўтлоқи тупроқлар шароитида $N_{250}P_{150}K_{100}$ кг/га ўғит меъёрларида, дон ҳосили 57,08 ц/га, соф даромад 1125,5 минг/сўм ва рентабеллик 65,5 % ни, суғориладиган ўтлоқи тупроқлар шароитида энг яхши самарадорлик $N_{250}P_{150}K_{50}$ кг/га ўғит меъёрларида, дон ҳосили 64,87 ц/га, соф даромад 1425,0 минг/сўм ва рентабеллик 78,3 % ни ташкил қилган.

11. Минерал ўғитларни мақбул меъёр ва муддатларда қўллаш кузги буғдойнинг ўсиши, ривожланиши, дон сифати яхшиланишини ва дон ҳосилдорлигининг ошишини таъминлайди:

кузги буғдойнинг «Краснодарская-99» нави учун ишлаб чиқилган суғориладиган чўл ўтлоқи тупроқлар шароитида $N_{250}P_{150}K_{100}$ кг/га мақбул ўғит меъёрлари қўлланилганда ўртача 7,6 центнергача ва ўтлоқи тупроқлар шароитида $N_{250}P_{150}K_{50}$ кг/га мақбул ўғит меъёрлари қўлланилганда ўртача 9,0 центнергача қўшимча дон ҳосили олишга эришилади;

кузги буғдой ҳосили ва дон сифатини оширишга қаратилган мақбул ўғит қўллаш миқдорлари ва муддатлари бўйича азотли ўғитни йиллик меъёрининг 20 фоизи экиш даврида, 30 фоизи тупланиш даврида ва 40 фоизи найчалаш даврида ва 10 фоизи сут–мум пишиш даврида, фосфорли ва калийли ўғитларни йиллик меъёрининг 60 фоизи экиш даврида, 40 фоизи тупланиш даврида қўллаш тавсия этилади;

ҳар иккала тупроқ шароити учун ишлаб чиқилган $N_{250}P_{150}K_{100}$ кг/га мақбул ўғит меъёрлари асосида кузги буғдой «Краснодарская-99» доннинг сифат кўрсаткичлари яхшиланади, дон таркибидаги оксил миқдори суғориладиган чўл ўтлоқи тупроқларда 0,9 фоизгача ва ўтлоқи тупроқларда 0,8 фоизгача ошишига эришилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Qx/B.43.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАУЧНО–ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ
ИНСТИТУТЕ ПОЧВОВЕДЕНИЯ И АГРОХИМИИ**

**НАУЧНО–ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ ПОЧВОВЕДЕНИЯ И
АГРОХИМИИ**

УСМАНОВ ТУРГУН ТИЛАКОВИЧ

**РАЗРАБОТКА СИСТЕМЫ ПРИМЕНЕНИЯ УДОБРЕНИЙ ПОД
ОЗИМУЮ ПШЕНИЦУ НА ПОЧВАХ С РАЗЛИЧНОЙ ГЛУБИНОЙ
ЗАЛЕГАНИЯ ГРУНТОВЫХ ВОД**

06.01.04–Агрохимия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

Ташкент – 2019

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2017.3.PhD/Qx160.

Диссертация доктора философии (PhD) выполнена в в Научно-исследовательском институте почвоведения и агрохимии.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, и английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного Совета по адресу: (www.soil.uz) и в информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу (www.ziynet.uz).

Научный консультант: **Саттаров Джуракул Сатторович**
доктор сельскохозяйственных наук, академик

Официальные оппоненты: **Санакулов Акмал Лапасович**
доктор сельскохозяйственных наук, доцент
Самаркандский государственный университет

Мирзаев Лутфулло Арибжанович
кандидат сельскохозяйственных наук, старший научный сотрудник
Министерство сельского хозяйства

Ведущая организация: **Кашкадаринский филиал Научно-исследовательский институт зерна и зернобобовых культур**

Защита диссертации состоится «__» _____ 2019 г. в ____ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.Qx/B.43.01 при Научно-исследовательском институте почвоведения и агрохимии по адресу: 100179, г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Камарнисо,3. Научно-исследовательский институт почвоведения и агрохимии (НИИПА). Тел.: (+99871) 246-09-50; факс: (99871) 246-76-00; e-mail: info@soil.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Научно-исследовательского института почвоведения и агрохимии (зарегистрирован за №____). Адрес: 100179, г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Камарнисо,3.Тел. (99871) 246-15-38.

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2019 года
(реестр протокола рассылки №__ от «__» _____ 2019 г.)

Р.К.Кузиев

Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, д.б.н., профессор

Н.Ю.Абдурахмонов

Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, д.б.н, старший научный сотрудник

М.М.Ташкузиев

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, д.б.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (Аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. На сегодняшний день во всем мире пшеница стоит в ряду основных сельскохозяйственных культур, и её возделыванию уделяется особое внимание. По сведениям Мировой торговой организации, «в мире потребность в зерне пшеницы ежегодно возрастает на 1,6–1,8 %. На сегодняшний день, такие ведущие страны по возделыванию зерновых, как США, Россия, Китай, Индия, Канада, Франция за счет рационального применения минеральных удобрений получают высокие и качественные урожаи зерна¹». Получение высоких урожаев озимой пшеницы, обогащение почв минеральным питанием, разработка норм и оптимальных сроков внесения минеральных удобрений считается актуальной проблемой.

В мировом опыте возделывания зерновых культур проводятся целевые научные исследования по получению высоких и качественных урожаев зерна, рациональному использованию минеральных удобрений, установлению оптимальных норм и сроков их внесения. Особое внимание уделяется внедрению в сельское хозяйство современных инновационных технологий, разработанные на основании исследований по учету потребностей растений в удобрениях, сохранению в почвах и растениях соотношений между влагой и элементами питания, а также учету глубины залегания грунтовых вод при применении минеральных удобрений, дифференцированному внесению норм удобрений в оптимальные сроки, повышению их эффективности.

В республике осуществляются и ведутся широкомасштабные мероприятия по внедрению технологий, обеспечивающих сохранение и повышение эффективности удобрений, урожайности сельскохозяйственных культур, плодородие почв, улучшению качества урожая, обеспечения продовольственной безопасности. В результате, получены положительные данные по применению минеральных удобрений под озимую пшеницу, влиянию удобрений на агрохимические свойства почв, получение высоких урожаев зерна с хорошим качеством. В Стратегии Действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017–2021 годы, отмечено, что «...внедрение интенсивных методов в сельскохозяйственное производство, особенно водо и ресурсосберегающих современных агротехнологий, расширение инфраструктуры обслуживания сельского хозяйства, определены как важнейшие стратегические задачи²». В связи с этим, изучение уровня залегания грунтовых вод и удобрений на свойства почв, урожайность озимой пшеницы и установление эффективности удобрений считается одной из актуальных задач.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Постановлениях Президента Республики Узбекистан за № ПП –2640 от 24 октября 2016 года «О мерах по совершенствованию системы защиты растений и агрохимического обслуживания сельского хозяйства», Постановления Кабинета Министров Республики Узбекистан за № 03-2-7 от 26 декабря 2016 года «Комплексная

¹ <http://www.fao/worldfoodsituation/csdb/ru>.

² Указ Президента Республики Узбекистан УП–4947 от 7 февраля 2017 года “О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан”

программа мероприятий по развитию системы обеспечения сельского хозяйства минеральными удобрениями, средствами химической и биологической защиты растений, улучшения качества агрохимического обслуживания на период 2017–2020 годы», а также других нормативно–правовых документов, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики Узбекистан. Данное исследование выполнено в соответствии приоритетного направления развития науки и технологии республики V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

